

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЖТИМОИЙ-СИЙOSIY  
GAZETA

• 2006-yil • 20-iyul • Payshanba • 82 (27.574) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА

**Қадри дўстлар!**  
Авваломбор, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юксак галла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этам.

Бизнинг неча ўн йиллар давомида орзу ва ҳавас қилиб келган галла мустақиллигига эришганимизни кейинги етти-саккиз йил мобайнида амалда тасдиқлаб келганимизни, бундай улкан ютуқнинг аҳамияти ва моҳиятини галла деҳқон, нон деҳқон бебахо неъматдан баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон, шу юртда яшайдиган ҳар қайси оила сўзсиз чуқур англайди ва юксак баҳолайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилгига нисбатан галлачиликда ҳосилдорлик 4,5 баробар, яъни ҳосил миқдори эса 6,5 баробар ошгани бу борада қандай тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни, захматкаш ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини аққол кўрсатиб турибди.

Бир пайтлар тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай катта марралар авваломбор Яратганимизнинг ўзи «Сендан — ҳаракат, мендан — баракат» дея мададор бўлгани, халқимизни бало-қазолардан асраб, йўлимизни очиб бергани эвазига қўлга киритилганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бундай улкан ютуқ замирида кечани — кеча, кундузи — кундуз демасдан, ўтган йилнинг куз фасли ва жорий йил баҳоридаги сув танқислиги, жазирама иссиқ, жала ва ёмғирлар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамастан, мўл ҳосил етиштирган мард, лафзи ҳалол деҳқонларимиз ва фермерларимизнинг азму шижоати ва фидокорона меҳнати муваффақиятга олиб келди.

Шу борада таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, деҳқон ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси, қишлоқдаги ҳал қилувчи куч сифатида ҳис эртаётгани, унинг меҳнатга, ҳаётга бўлган фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият тўғриси кучайиб бораётгани иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ана шундай юксак марраларга эришишда асосий мезон ва омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ ахлининг дунёқарашидagi бундай туб ўзгаришлар ўз навбатида аграр соҳада кенг қўлмали ислохотларни, замонавий бошқаруving самарали усул-усулларини, илгор технологияларни жо-

рий этишда, ер билан тиллашиб яшайдиган инсонларда изланувчанлик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик фазилатларини уйғотишда намоён бўлмоқда.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишни мутлақо янги асосда — бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил этиш, хусусий мулкни изчил ривожлантириш, шу мақсадда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, давлат томонидан уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер хўжалиқларига зарур моддий-техник ресурсларни ўз вақтида тўла етказиб бериш, улар етиштирган маҳсулотни реализация қилишда тегишли кўмак ва имтиёзлар яратиб бериш борасидаги амалий ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги етиштирилган ҳосилнинг 81 фоизи фермер хўжалиқлари томонидан тайёрлангани ҳам фермерлик ҳаракатининг қишлоқда том маънодаги етакчи ва қудратли кучга айланиб бораётганидан далolat беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун далаларимизда сизларнинг пешона терингиз билан етиштирилган мўл ҳосилни халқимизнинг энг катта ютуғи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Бу юксак ва баракали хирмон нафақат давлат эҳтиёжларини бажариш, шаҳар аҳолисини, ишчи-хизматчиларимиз, ҳарбийларимизни дон маҳсулотлари билан таъминлашга, айни пайтда қишлоқ ахлининг ертўлалари, омборларини галла билан тўлдиршига, энг муҳими, халқимизнинг ризқини бутун, дастурхонини тўқин қилишга, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлиб яшашига хизмат қилишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Эл-юртимиз хирмони донга, кўнгилакиримиз қувончга тўлиб турган ана шундай хурсандчилик кунларда барчамиз қўли қадоқ, кўпни кўрган, бошидан не-не синовларни ўтказган захматкаш деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бундай улкан меҳнат галабасига ўзининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган барча-барча касб эгаларига чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдираман.

Хорманг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, топангиз ахши кунларга буюрсин! Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу баракат, бахту саодат аримасин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Қайт этиб ўтилсинки, кўри-лаётган чораларга қарамай, таркибда рангли металллар бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди.

«Ўзбекистончиранглиметалл» ОАЖ ва унинг худудий бўлинмалари рангли металл парчаларини тўлиқ йиғиб олиш, темир-терсак топирувчилар билан шартномаларни ўз вақтида тузиш, уларни рағбатлантиришнинг таъсирчан тизимини жорий этиш бўйича зарур чораларни кўрмаяптилар.

Рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланишни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш, улар айланганини назорат қилишнинг тегишли тизими мавжуд эмас.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, рангли металлларнинг ноқонуний айланганига чек қўйиш, уларнинг фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қурилмаларидан ўғриланишининг олдини олиш, шунингдек рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланиш тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш қоронгаларини ривожлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистончиранглиметалл» ОАЖ ва унинг худудий бўлинмалари акциядорлари ҳамда қатнашчиларининг:

«Ўзбекистончиранглиметалл» ОАЖ ва унинг худудий бўлинмаларини 1-иловага мувофиқ қайта ташкил этиш ва уларнинг негизда «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндилари

рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-кўйотлар тизимини жорий этиш.

Белгилансинки, «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради ҳамда «Ўзбекистончиранглиметалл» ОАЖ ва унинг худудий бўлинмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан жалб этилган кредитлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖнинг энг муҳим ва зифалари ва функциялари деб ҳисоблансин:

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда чуқур қайта ишлаш, республика истеъмолчиларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун улардан прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тизимли ишларни ташкил қилиш;

мавжуд қайта ишлайдиган қувватларни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш, рангли металлларни қайта ишлашнинг замонавий юксак самарали усуна ва технологияларини таъбиқ этиш;

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда уларни темир-терсак топирувчилардан қабул қилиш, шу жумладан рангли металл парчалари ва чиқиндилари мунтазам ҳосил бўлиб турадиган юридик шахслар билан фьючерс шартномаларини тузиш йўли билан

тайёрлаш ва қабул қилишнинг аниқ-пухта тизимини ташкил қилиш;

топириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндилари учун фақат юридик шахслар — темир-терсак топирувчилар томонидан темир-терсак ҳамда чиқиндилар топирилишини рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-кўйотлар тизимини жорий этиш.

3. «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ бошқарув ходимларининг чекланган сони 24 кишидан иборат бўлган бошқарув аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Бош директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланиши белгилан қўйилсин.

«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖга худудларда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, қабул қилиш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича замонавий ускуналар, юк кўтариш ва транспорт воситалари билан жиҳозланган филиалларини юридик шахс тузасдан ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

4. «Ўзбекистончиранглиметалл» ОАЖ ва унинг худудий бўлинмаларини қайта ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 4-иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия: икки ҳафта мuddатда «Ўзбекистончиранглиметалл» ОАЖ ва унинг худудий бўлинмаларини қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

(Давоми. 2-бетда)

### ЎзХДП ҳаёти

#### ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижрокўми Хайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тадбирларда партия ташкилотларининг иштироки тўғрисидаги масала қўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда ривожланиш ушбу босқичнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти, республикамиз Президентининг туб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли алоҳида таъкидланди, уларда партияимиз аъзоларининг иштироки борлиги қайд этилди. Хўжатда мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда ХДП ташкилотларининг фаол иштироки эътиборини таъминлаш юзасидан вазифалар белгиланди.

Илгарилари дарё суви шаҳарга бемалол етиб келар ва аҳолини тўла таъминларди. Бирок, кейинги 20-30 йил ичида у оқиб келадиган қўшни Қирғизистоннинг тоғли худудларида қўллаб ерлар ўзлаштирилди. Риштон, Ўзбекистон, Олтиариқ, Бешариқ туманлари жанубидаги минглаб гектар кир-адирлар ҳам экинзорларга, боғ-роғларга айлантирилди. Қўллаб миқдордаги сув ана шу ерларни суғоришга сарфлана бошланди. Бу эса у ерлардан анча қўйида жойлашган Риштонда сув танқислиги муаммосини келтириб чиқарди.

ЎзХДП Марказий  
Кенгаши матбуот  
хизмати

### ЎзХДП кенгашлари фаоллари жамоатчилик назоратидаги масала!

## РИШТОНДА ИЧИМЛИК СУВ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Газетамизнинг шу йил, 30 май сонида чоп этилган «Тоza ичимлик суви муаммоси ҳақида» сарлавҳали танқидий мақолада Фарона вилоятининг Риштон тумани маҳаллаларида ичимлик суви муаммо бўлаётгани эътиборини қўйди.

Орадан бир ярим ойдан кўпроқ вақт ўтди. Хўш, муаммо ечимини йўлда нима ишлар қилинди? Қуни кеча мухбиримиз Риштонда бўлиб ўзгаришлар билан қизқиди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигидан ҳам жавоб олинди.

Ўттиз минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган қўшна Риштон Сўх тоғлари этагидида жойлашган. Неча асрлардан буён у Сўх дарёси сувини ичди. Шаҳардан 35 километр юқорида жойлашган «Селкетма» суви ишлаб чиқариш иншоотидан қувурлар орқали бу ерга ичимлик суви келтирилди. Дарё суви энгил, шифобахш. Шу босис, маҳаллий аҳоли таркибидида туз миқдори кўп бўлган мавжуд қудуқлар сувларидан эмас, дарёнинг табиий сувидан ичиниш ҳам кўради. Натijaда шаҳар маҳаллаларида ҳамон ичимлик суви ховузалари сақланиб қолган. Бу ерда ҳозир 66 та ховуз бўлиб, улардан 24 таси аҳолига ичимлик суви манбаи сифатида хизмат қилиб келмоқда. Улар белгиланган жадал асосида тўлдирилиб, санитария-эпидемиология станцияси назоратида бўлади.

Илгарилари дарё суви шаҳарга бемалол етиб келар ва аҳолини тўла таъминларди. Бирок, кейинги 20-30 йил ичида у оқиб келадиган қўшни Қирғизистоннинг тоғли худудларида қўллаб ерлар ўзлаштирилди. Риштон, Ўзбекистон, Олтиариқ, Бешариқ туманлари жанубидаги минглаб гектар кир-адирлар ҳам экинзорларга, боғ-роғларга айлантирилди. Қўллаб миқдордаги сув ана шу ерларни суғоришга сарфлана бошланди. Бу эса у ерлардан анча қўйида жойлашган Риштонда сув танқислиги муаммосини келтириб чиқарди.

Ўттиз минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган қўшна Риштон Сўх тоғлари этагидида жойлашган. Неча асрлардан буён у Сўх дарёси сувини ичди. Шаҳардан 35 километр юқорида жойлашган «Селкетма» суви ишлаб чиқариш иншоотидан қувурлар орқали бу ерга ичимлик суви келтирилди. Дарё суви энгил, шифобахш. Шу босис, маҳаллий аҳоли таркибидида туз миқдори кўп бўлган мавжуд қудуқлар сувларидан эмас, дарёнинг табиий сувидан ичиниш ҳам кўради. Натijaда шаҳар маҳаллаларида ҳамон ичимлик суви ховузалари сақланиб қолган. Бу ерда ҳозир 66 та ховуз бўлиб, улардан 24 таси аҳолига ичимлик суви манбаи сифатида хизмат қилиб келмоқда. Улар белгиланган жадал асосида тўлдирилиб, санитария-эпидемиология станцияси назоратида бўлади.

Илгарилари дарё суви шаҳарга бемалол етиб келар ва аҳолини тўла таъминларди. Бирок, кейинги 20-30 йил ичида у оқиб келадиган қўшни Қирғизистоннинг тоғли худудларида қўллаб ерлар ўзлаштирилди. Риштон, Ўзбекистон, Олтиариқ, Бешариқ туманлари жанубидаги минглаб гектар кир-адирлар ҳам экинзорларга, боғ-роғларга айлантирилди. Қўллаб миқдордаги сув ана шу ерларни суғоришга сарфлана бошланди. Бу эса у ерлардан анча қўйида жойлашган Риштонда сув танқислиги муаммосини келтириб чиқарди.

Ўттиз минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган қўшна Риштон Сўх тоғлари этагидида жойлашган. Неча асрлардан буён у Сўх дарёси сувини ичди. Шаҳардан 35 километр юқорида жойлашган «Селкетма» суви ишлаб чиқариш иншоотидан қувурлар орқали бу ерга ичимлик суви келтирилди. Дарё суви энгил, шифобахш. Шу босис, маҳаллий аҳоли таркибидида туз миқдори кўп бўлган мавжуд қудуқлар сувларидан эмас, дарёнинг табиий сувидан ичиниш ҳам кўради. Натijaда шаҳар маҳаллаларида ҳамон ичимлик суви ховузалари сақланиб қолган. Бу ерда ҳозир 66 та ховуз бўлиб, улардан 24 таси аҳолига ичимлик суви манбаи сифатида хизмат қилиб келмоқда. Улар белгиланган жадал асосида тўлдирилиб, санитария-эпидемиология станцияси назоратида бўлади.

ладиган сув қувурлари йўл-йўлак атай тешилиб, ичимлик суви босқа мақсадларга ишлатилганлигига гувоҳ бўлди. «Қуллоқ» маҳалласига борадиган ариқ лой билан тўла, ўт босиб ётибди. 9-10 чакирим массафага қўзилган бу ариқ боши анча йиллардан буён тозаланмаган...

— Ёшим 73 да. Шу сув тармоғининг миробиман, — дейди Турғунбой Турсунов. — Бутун Риштон шаҳри шу ердан сув олади. Илгари халқимизнинг «ахшар» деган удуми бор эди. Ҳар йили эрта баҳорда лой ва тупроққа тўлган ариқларни одамларнинг ўзлари тозалашарди... Ариқларнинг аҳолини кўринг... Қачонга-ча давлат қилиб беради, деб ўтираман... Узимизда ҳам айб борку.

Дарҳақиқат, ариқларни тозалаш, қувурларни асраш, сувини исроф қилмаслик одамларнинг ўзларига ҳам боғлиқ...

Алишер ИБОДИНОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА

...«Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда қўшни Қирғизистон худудидаги катта миқдордаги ер майдонлари ўзлаштирилганлиги, Сўх дарёсидаги сувининг кескин камайганлиги сабабли Риштон туманида экинзорлар ичимлик суви билан суғорилганлиги тўғрисидаги ариқ, Шокирота, «Кашкар» маҳаллаларида аҳоли учун ичимлик суви муаммоси тузилган.

Вилоят ҳокимлиги тегишли бошқармалар билан биргаликда юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва аҳолини ўз вақтида ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгилан, муайян ишларни амалга оширди.

Жумладан, «Селкетма» суви иншоотида 2 та кўтарма насос, «Кашкар» насос станциясида 1 та насос ҳамда «Топволдиев» суви иншоотида 2 та насос тўлиқ мукамал таъмирланди. Бу ишлар учун корхона ҳисобидан 31,2 млн. сўм маблағ сарф этилди.

Бундан ташқари, «Селкетма» суви иншоотини сел сувларидан ҳимоя қилиш учун 500 метр узунликда ҳимоя дамбаси қурилиши ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2 та ичимлик суви қудуғини қуриш ишларига капитал маблағлар ҳисобидан жами 200 млн. сўм сарфланиб, қурилиш ишлари якунланган.

Ҳозирда бу худудларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш сезиларли даражада тикланмоқда. Вилоят ҳокимлиги келгусида ҳам Риштон тумани аҳолисини ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан барча зарур чораларни кўради...

Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир Р.МУСАЕВ»



O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO  
AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!  
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-28  
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz  
Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR**  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HAMKORI  
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида  
барча банк хизматлари  
Сизнинг муваффақиятингиз учун!  
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР  
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Рангли металл парчалари, чикиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда «Тошкент рангли металл парчалари ва чикиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Устав жамғармасини шакллантиришга, акциялар пакетининг 51 фоиз миқдорини давлатда сақлаб қолган ҳолда улушлари қатнашчилар ўртасида тақсимлашга, шунингдек Уставни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказишга қўмаклашсин;

лар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда таркибда рангли металл парчалари ва чикиндиларига раҳбарлик қилиш пунктлари фаолиятига ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатларига чек қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар қабул қилсин;

ришни рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилишини назарда тутган ҳолда, топширилмаган рангли металл парчалари ва чикиндиларига нарх белгилаш Тартибини ишлаб чиқин ва белгилашган тартибда тасдиқласин.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — УМУММИЛЛИЙ МАСАЛА

Жамиятдаги ҳуқуқий маданият бу инсон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган умум-маданиятнинг муҳим бўғинидир. Ривожланган мамлакатлар таъриби шуни кўрсатадики, ҳуқуқий маданиятга эришиш учун қонун устувор бўлмоғи ва унинг амалдаги ижроси жамоатчилик томонидан назорат қилиниши зарур. Шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлаши лозим.

Шу маънода Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга катта эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 август кунин қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга ошириш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва олиб борилаётган ислохотларда фуқароларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган давлат дастури бўлди, десак муболага бўлмайди.

Аммо, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичи, шунингдек, ҳуқуқий демократик жамиятнинг пойдевори ҳисобланган қонун устуворлигини таъминлашда олиб борилаётган ишларнинг самардорлиги унда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириши талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодининг турли ҳабадларида амалга оширилаётган ислохотлар қамрови кенг. Бундан кўзланган асосий мақсад инсон қилишдан асраш ҳам демак. Шунинг учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишига нафақат давлат, балки умум-миллат даражасидаги вазифа сифатида қарамок зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Шу ўринда парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг амалдаги ижросидан айнан унинг ўзи биринчи навбатда манфаатдор, десак тўғри бўлади. Демак, Олий Мажлис депутатлари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланган қонун ишдорлигини амалга ошириш боробарида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.



МЕҲМОНЛАР «ОЛМОС»НИ ТАНЛАШМОҚДА
Бугун Бухорода қирққа яқин хусусий меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Олмос», айниқса, кўпчилик хорижликларга манзур бўлган. Сабаби, меҳмонхона шарқона услубда қурилиб, дид билан безатилган.



Аччиқ, аммо очик гаплар
«ДАРМОНА»
АЛДОҚЧИ
ЭКАН,
ФИРИБГАР
ЭКАН!»
Олтиариқлик Абдуқаҳҳор Турсунов лаҳзалик лотереядан 2000 йилда «Нексия» автомобили ютган эди. У ҳанузгача ютуғини ололмай овора. Масалани ўрганиб ҳайратдан ёқа ушладик. Лотереядан «куйган» биргина у эмас экан...

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида яшовчи Абдуқаҳҳор Турсунов ҳам лотереяда омади чолиб, «Нексия» ютганлардан. Афсуски, у ҳалол ютуғини ололмай «куйиб» юрибди. Ҳўш, бунинг сабаби нима? Абдуқаҳҳор Турсунов 2000 йилнинг октябр ойида лаҳзалик «Дармона» лотереясида «Нексия» автомобили ютди. Боши осмонга етиб, ютуғини олиш учун Тошкентга жўнайдди. Тўғри, «Қадрият Турон» (номи улуглигини қаранг!) шўъба корхонасига кириб боради. Директор Омадхон Олимов ва директор маслаҳатчиси Шерзод Мусавеллар уни ютқ билан табриқлаб, тез орада «Нексия» автомашинасини топширади, дея ваъда қилишади. Бирок, ҳадеганда «Қадрият Турон» дагилардан садо чиқмайди. Шундан кейин Абдуқаҳҳор Турсунов Тошкентга қатнай бошлайди. Орадан бир йил ўтди. «Нексия» дан дарак йўқ. 2001 йилнинг охирида эса «Қадрият Турон» директори ўзгаради. Янги директор эса Абдуқаҳҳор Турсуновга «Ҳозир пул йўқ, устига устак янгиман, шунинг учун сизга бир нарсас, дея олмаймак», дейди. Ҳафта-ун кунда сарф-харажат қилиб Фарғонадан Тошкентга келиб-кетиш жонига тегиб кетган Абдуқаҳҳор Турсунов пойтахтда яшовчи қариндоши Расул Мухамедовдан «Нексия» ютуғи билан шугулланишини илтимос қилади.

— Буниси қизик бўлди-ку, ахир Абдуқаҳҳор Турсунов «Нексия» ютган бўлса...
Саволимга жавоб шундай бўлди: «Қаерга борсангиз бораверинг, прокуратурага борасизми, сулга борасизми, ҳоҳлаган жойингизга бораверинг, ҳеч нарсас қила олмайсиз».
Ана шундан кейин ҳақиқатни қарор топтириш мақсадида «Ўзбекистон овози» газетаси тахририятига ариза ёздим...
Энди ҳужжатларга мурожаат қилсак. 2000 йил 26 октябрда икки нусхада тўлдирилган маълумотнома қўйилганда қайд қилинган: «Дармона» хайрия лаҳзалик пул-буом лотереяси бўйича экспертизага расмийлаштириш варақаси №48. 26.10.2000 йил Турсунов Абдуқаҳҳор Кимсанов... Ютуқнинг номи «Нексия» автомобил. Лотерея билетининг белгиси 01-0G8390. Қабул қилувчи Мусаев Ш. Имзо, муҳр.
Бу Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг «Қадрият Турон» шўъба корхонаси шаклидаги лотерея ўйинларини ташкиллаштириш бўйича ижрочи маъмуриятнинг расмий ҳужжати. Ҳўш, нега ва нима сабабдан ютқ эгасига «Нексия» берилмади?
«Дармона» лаҳзалик лотерея таъсисчилари жимжамдор имзо чеккан ва 2000 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ушбу лотереянинг «шарт ва қондалари» билан танишамиз. Ҳўжжатда қайд этилгандай, «Дармона» лаҳзалик лотереясини чиқаришдан мақсад Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг ишлаб чиқариш, иқтисодий-техник базасини ривожлантиришни ташкил этиш, биринчи навбатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ногиронлар жамияти аъзолари учун 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда дори-дармонлар сотилмаган дори-дармонларнинг 50 фоиз зарарини қоплаш. Лотерея ўйинларини ўтказиш қондалари бандида аниқ қилиб ёзилган: «Дармона» лаҳзалик пуллик лотереясини ўтказиш ва ўйин натижаларининг тўлиқ жавобгарлигини «Қадрият Турон» шўъба корхонаси шаклидаги лотерея ўйинларини ташкиллаштириш бўйича ижрочи маъмурият ўз зиммасига олади... Ютуқли лотерея билетларини белгилаган тартибда расмийлаштиради, экспертизадан ўтган лотерея билетининг ютуғи икки ой мuddатда тўланади».

жамиятининг «Қадрият Турон» шўъба корхонаси шаклидаги лотерея ўйинларини ташкиллаштириш бўйича ижрочи маъмурият раҳбариятининг 2000 йил 28 июнда бўлиб ўтган мажлиси баённомасини ўқиган киши ҳайратга тушади. Мажлис қарориди «Дармона» хайрия лаҳзалик пул-буом лотереяси лойиҳасини охиригача муваффақиятли равишда яқунлаш «Қадрият Турон» маъмуриятининг директори О.Олимов зиммасига юклатилсин», дейилган. Молия вазирлиги тасдиқлаган ҳужжатда ҳам, таъсисчиларнинг мажлиси баённомасида ҳам Омадхон Олимовнинг имзолари бор. Буни кўриб, лаҳзалик лотерея ўйини «лоийҳасини муваффақиятли яқунлаш» шахс айнан шу одам экан-да, деган ҳаёлга борасан киши.
2000 йилнинг апрель ойида 5.000.000 дона нархи 750.000.000 сўмлик «Дармона» лаҳзалик пул-буом лотереяси муомалага чиқарилган. Кўп ўтмай лотерея ўйинлари атрофида бошқа «ўйинлар» бошланган. Яъни ютуқлар тўланмаган, эътирозлар кўпайган, лотерея билетлари сотувидан тушган пуллар кирим қилинмаган ва ҳўказо. Шунинг учун ҳам 2001 йил 1 февралда Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, «Ҳамкорбанк» ва «Қадрият Турон» шўъба корхонасига қўйилган мазмундаги хат йўланди:
«Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лотерея ўйинлари ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 43-бандини ҳамда «Турон дармонаси» тиражли буюм хайрия лотереяси ва «Анджонбанк», «Қадрият Турон» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда чиқарилган «Дармона» лаҳзалик пул-буом хайрия лотереяси шарт ва қондаларини кўпол равишда бузган.
Юқоридаги келтирилган Низомнинг 18-бандига асосан, лотерея ўйинини ўтказиш шартлари ва тартибини имзолаган лотерея ўйинлари муассисларининг мансабдор шахслари ундаги маълумотларнинг тўғрилиги, шунингдек, лотереяни ўтказиш шартларига риоя этилиши учун жавобгардирлар.
Шулардан келиб чиққан ҳолда, Молия вазирлиги Ўзбекистон Ногиронлар жамиятидан, «Ҳамкорбанк» дан ва «Қадрият Турон» шўъба корхонасидан «Турон дармонаси» тиражли лотереяси ва «Дармона» лаҳзалик лотереяси бўйича ютуғи тўланмаётган лотерея билетлари эгаларига ютқ тўлашлари... талаб қилинади.



Акк-садо

МИЛЛИЙЛИК УСТУВОР БЎЛСА...

«Ёшларимиз кийиниш маданияти қандай бўлиши кимга, нимага боғлиқ?» («Ўзбекистон овози», 2006 йил, 29 июнь)

Яқинда «Ўзбекистон овози»да филология фанлари доктори, профессор Муслихиддин Муҳиддиновнинг ёшларимиз кийиниш маданияти билан боғлиқ танқидий-таҳлилий мақоласини ўқиб, хурсанд бўлдим. Баҳс-мунозарарага чорловчи ушбу мақолада ёшларимизнинг кийиниши, юриш туриши, оилада кийинишга эга бўлган эътибор, урфга айланган айрим галати русумларнинг бола дунёқарашига салбий таъсири ҳақида билдирилган фикрлар мени ҳам бу борада мулоҳаза юритишга ундади.

Хўш, аслида кийиниш ҳақида бирор-бир тартиб ёки низоми бўлиши керакми, йўқми? Бу ҳақда аниқ бир нарса дейишдан аввал шундай мулоҳазани айтмоқчиман: назаримда, ҳар бир инсон кийинишда ички интизомга амал қилиши, либос танлашда ҳам бу масалани ўзбекистон менталитетимиздан келиб чиқши керак.

Чунки либос кийиш маданияти ахлоқ меъёрларидан кам эмас. Менимча, кийинишда тиббий жиҳатдан безар, табиий шароитларга мос бичими кулай бўлиши биринчи талаб ҳисобланади.

Ота-бобларимизнинг «жорли бўлсанг-да, жулдур бўлма» деган гапи беҳиз эмас. Бу дегани, камбағал бўлсанг ҳам ийрттик ё кир кийинма. Уйлаб қолам.

Бугун кўча-кўйда шимида саккиз-унта ийрттик, бир қулোগа сирга тақиб, устига ярашмаган кийимлар кийиб кетаётган ёшларни кўриб, бундай кийиниш қай йўсиндаги урф бўлди, дейсан. Ёки бу тақлидми?

Аждодларимиз шароитга, иқлимга мослаб тикилган, ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирадиган либослари билан дунё ҳайратини оширган. Шунинг учун ҳам улар соғлом, руҳий бақувват, чидам ва сабрли, ҳар қандай шароитта меҳнатга мослашиб кетаверадиган бўлишган.

Бугун ёшларимиз орасида жуда галати кийинишлар урф бўлиб бормоқда. Ярим яланғоч, махсус ямоқланган ёки ийрил-

ган, тор шим, юбка кийишдан мақсад нима? Шу қилигимиз ўзимизга ярашадими?

Айниқса, йигитлар, бир ўйлаб кўрайлик. Қулোগимизга сирга тақсақ, кўча-кўйда, ҳамма-нинг олдида бемалол шортида юрсақ, ўзимизга хослигимиз қаерда қолади?

«Алломиш» дostonидаги Барчиной тилидан айтилган мана бу сўзларга қулоқ тутинг: Нор-мода бўлибсиз

бийбобом ули, Бир қалмоқчи энголмасдай

не бўпти.

Ушбу сўзлар бугун ҳар бир йигитга тааллуқлидир.

Билиб-билмай кимгадир тақлид қилиш, кимнингдир дунёқарашига тобе бўлиш, миллий хусусиятимизга беписанд қараш эмасми? Агар бизда ҳам фарбадигдек айрим галати урфлар шаклланса, эртага у ирсият орқали боламизга ўтса, келажак олдида ўзимизни оқлай олмай қоламиз-ку!

Ҳар хил видеокассеталардаги чиройли кўринган, аслида миллилатимизга ёт бўлган унсурлар, қоришиқ лаҳжалар бизни ўз мезонларимиздан йироқлаштиради. Дидимизни ўтмаслаштиради.

Шундай экан, нафақат ички дунёқарашда, балки ташқи кўринишда ҳам миллийлигимизни йўқотмасак, ўзлгимизни юқори тутмасак, биз бошқалардан эмас, бошқалар биздан кийинишни ўрганишда, ўрناқ олишдади, ҳурмат қилишда...

Ўлмасбек ХҲЖАЕВ

Спорт

ОТАБЕКНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ

Интернетнинг www.wtkainational.com сайти орқали шу йил сентябрь ойида Италияда ўтадиган аънанавий каратэ бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати расмий афишаси эълон қилинди. Қувонарлиси, афишода жаҳон чемпионати ўтадиган сана, шаҳар, Жаҳон аънанавий каратэ ассоциацияси раҳбарлари билан биргаликда ҳамюртимиз, каратэ бўйича Осиё чемпиони, XIV Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори ҳамда аънанавий каратэ бўйича (2005 йил) жаҳон чемпиони Отабек Қосимовнинг фотосурати ҳам акс эттирилган эди.

Эътибор қилинг, 2005 йилнинг ноябрь ойида юртимиз каратэчилари Италиянинг Виорежшо шаҳрида ўтган аънанавий каратэ бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида илк бор иштирок этдилар. Уларнинг етти олтин, олти кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритишларини ҳатто муроббийларнинг ўзлари ҳам кутмаганликларини тан олишди. Илк иштирок ва умумжамоа ҳисобида 35 давлат орасида 3-ўрин... Бу каби муваффақият ўзбек спортчиларининг Жаҳон аънанавий каратэ ассоциациясидаги обрўсини ошириб юборди ва улар бунини юқоридиги расмий афиша мисолида эътироф этдилар.

Яқинда иқтидорли спортчи, терма жамоа сардори Отабек ҚОСИМОВ билан суҳбатлашдик.



Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

— Отабек, аънанавий каратэ бўйича ўтган жаҳон чемпионатида вакилларимиз илк бор қатнашишди. Ушбу мусобақанинг одатий баҳслардан фарқи нимада эди?

— Жаҳон аънанавий каратэ ассоциацияси ўтказган ушбу жаҳон чемпионатининг Бутунжаҳон каратэ федерацияси мусобақаларидан фарқи шунки, спортчи дастурдан жой олган бир қатор турлар бўйича татамига чиқиши мумкин. Масалан, кумитэ, ката

машқлари, микс-ката, кўргазмали чиқишлар, қурол билан маҳоратини намойиш этиш ва ҳоказо. Бизнинг терма жамоамиз яқка ва жамоа катаси ҳамда яқка ва жамоа кумитэси бўйича баҳсларда иштирок этди. Қолган турлардан эса келгусида қатнашишимиз учун тушунчалар олдик.

— Финал баҳси ҳақида гапириб берсангиз...

— Мен ката ва кумитэ бўйича яқкалик баҳсларда татамига чиқдим. Унда кумитэдан 60 кг. вазн тоифасида ол-

тин медалга сазовор бўлдим. Финалда италиялик каратэчи билан жанг ўтказдим. Унинг устозлари, менинг мураббийларим ярим финалда хатти-ҳаракатларимизни кузатишди. Дал қилувчи учрашув бошида италиялик рақибим жуда кескин ҳаракатлар қилди. Бироқ устозларимнинг тўғри кўрсатмалари эвазига ўндан устун келдим. Шунинг айтиши мумкинки, кучли мураббий каратэчини 3-4 дақиқа кузатиб, унинг нималарга қодир эканлигини англай олади.

— Аини пайтда қайси мусобақага ҳозирлик кўряпсиз?

— Хабарингиз бор, бу йил Доха (Қатар)да навбатдаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Ўзбек каратэчилари олдидаги энг катта вазифа мазкур нуфузли мусобақадан галабалар билан қайтишдир. Хозирда барча диққат-эътиборни ушбу нуфузли мусобақага қаратганман. Колаверса, аънанавий каратэ бўйича Италияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида яна муҳлисларни хушнуд қилиб, юртимиз байрогини баланд кўтаришни кўнглимга тугиб қўйганман.

Акмал АБДИЕВ суҳбатлашди.

Суратда: Отабек Қосимов (чап-да) устози Нурхон Нафасов билан.

СВЕТЛАНАНИНГ РЕКОРДИ

Кеча Макаода энгил атлетика бўйича Осиё чемпионати баҳслари нихоъсига етди. Қўтбаимизнинг қирққа яқин давлати вакиллари иштирок этган мазкур мусобақада ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашдилар. Чемпионатда етти нафар спортчиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Терма жамоамиз иккитадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида балангликка сакраш баҳсларида қатнашган Светлана Радзивил олтин медал билан тақдирланди.

Ҳамюртимиз 1 метр 90 сантиметр натижа кўрсатиб, Осиё рекордини 2 сантиметргга янгилашга муваффақ бўлди. Узунликка сакраш мусобақаларида 6 метру 2 сантиметр кўрсаткичи кайд этган самарқандлик Александр Котлярова шожуланинг юқори поғонасига кўтарилди.

Юлдуз САЙФУЛЛАЕВА

Advertisement for Tashkent City Municipal Market Center. Title: 'ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ'. Content: 'Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Сизларни биржа савдоларига таклиф этади...'

ГЎЗАЛЛИК КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги «Дедеман» мехмонхонасида иккинчи халқаро гўзаллик кўргазмаси — «BeautyExpo» ўтказилди. Эстетика Академияси ва Тадбиркор аёллар Ассоциацияси, АҚШнинг TNT productions компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада декоратив косметика, профессионал косметика ва унинг асбоблари, заргарлик буюмлари ва аксессуарлари, парфюмерия ва ароматералия, гигиеник воситалар, биологик фаол қўшимчалар, хомашё ва қадқочловчи материаллар, гўзаллик марказлари учун ан-

жомлар намойиш этилди. Мамлакатимизда кенг истеъмолда бўлган «Асте color» компанияси махсулотларини намойиш этган Саидабиби Хасанова шундай дейди: — Биз кўргазмада доривор гиёҳлар экстракти, витамин ва ҳимоя компонентларидан тайёрланган янги «Асте-color», «Perfect», «Рэбина», «Бьюти» соч бўёқлари, қўл ва оёқ учун махсус суртмаларни намойиш қилдик. «Асте-color» Украина компанияси бўлиб, Ўзбекистонда 4 та дистрибутори бор.

Назира ҲАМИДҲҲАЕВА, Тадбиркор аёллар Ассоциацияси қошидаги «Art salon» — Бадий буюмлар саломи бўлими раҳбари: — Кўргазмада каштачилик, зардўзлик, тикувчилик, касаначилик махсулотларини намойиш этдик. Шарқ услубида яратилган заргарлик буюмлари, каштадўзалар томонидан тикилган узига хос бош кийимлари, сумкалар кўргазмага ташириб буюрганларнинг диққатини тортди. Дилноза УМАРОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Advertisement for 'Yagona Buyurtmachilari' engineering company. Title: 'Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига! Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти, Наманган тумани, Шўркўрғон қишлоғидаги қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-хунаро коллежи учун кичик ферма ташкил қилиш бўйича қурилиш объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 94 234 089 сўм. Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8 3692) 26-63-03, 33-77-06.

қониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳужуқий лаяқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиши ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00гача мурожаат қилишлари мумкин. Телефон/факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпلامнинг нархи — 50 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соатиғача. Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжайев кўчаси, 59-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида

Advertisement for 'A. Abdurakhmonov' company. Title: 'Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги тугатилаётган А.Абдурахмонов номли ширкат хўжалигидаги чорва фермаси очик кимошди савдоси орқали сотувга қўйилмоқда. Кимошди савдосида қатнашиш истагида бўлган шахслар маълумот олиш учун ширкат хўжалигидаги махсус комиссияга мурожаат қилишлари мумкин. Манзил: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, Қирқариқ қишлоғи, Ўзбекистон кўчаси, 29-уй. А.Абдурахмонов ширкат хўжалиги. Тугатиш комиссияси.'

Advertisement for 'POYTAHT AUKSION' state unitary enterprise. Title: 'Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAHT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ. 2006 йилнинг 22,25,29 август кунлари аукцион савдоларини ўтказида. Савдоларга қуйидаги объект қўйилади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган «VAQT» миллий депозитария акциядорлик жамиятининг 1997 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AN 541 бўлган «Нексиа» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи — 5 000 000 сўм. Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридидаги закат пулини «POYTAHT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхташилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдолар Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 133-23-40. Гувоҳнома № 000815

Advertisement for 'POYTAHT AUKSION' state unitary enterprise. Title: '«POYTAHT AUKSION» давлат унитар корхонаси. 2006 йилнинг 16 июнь кунини ўтказилган аукцион савдосида «В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖнинг д/р 10AJ 045 бўлган «ЗИЛ-130-76» русумли автотранспорт воситаси 450 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rif; Iqtisodiyot; Ekologiya va salomatlik; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.